



## ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

и.ф.н. **Валижонов Акмалжон Рахимович**  
Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини  
бошқариш агентлиги Тадқиқотлар маркази  
ORCID: 0000-0003-4925-2236

**Аннотация.** Мақолада хўжалик жамиятлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асослари тадқиқ этилган. Ишда иқтисодий мактабларнинг етакчи намоёндаларининг давлатнинг иқтисодиётдаги роли, иқтисодий фаолиятни тартибга солиш бўйича мақсад ва вазифалари бўйича фикрлари ҳамда қарашлари таҳлил қилинган. Мақолада хўжалик жамиятларининг хусусиятларидан келиб чиқиб хўжалик жамиятларини давлат томонидан тартибга солиш тушунчасига муаллифнинг таърифи берилган. Мақола доирасида олиб борилган тадқиқотлар натижалари юзасидан хўжалик жамиятларини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** хўжалик жамияти, давлат, тартибга солиш, бозор муносабатлари, мулкдорлар, тадбиркорлик.

## ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ГОСУДАРСТВЕННОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ХОЗЯЙСТВЕННЫХ ОБЩЕСТВ

к.э.н. **Валижонов Акмалжон Рахимович**  
Центр исследований Агентство по управлению  
государственными активами Республики Узбекистан

**Аннотация.** В статье рассмотрены теоретические основы государственного регулирования деятельности хозяйственных обществ. В работе проанализированы мнения и взгляды ведущих представителей экономических школ о роли государства в экономике, целях и задачах регулирования экономической деятельности. Исходя из особенностей хозяйственных обществ в статье дано авторское определение понятия «государственное регулирование хозяйственных обществ». По результатам проведенного исследования разработаны выводы и предложения по совершенствованию механизмов государственного регулирования деятельности хозяйственных обществ.

**Ключевые слова:** хозяйственное общество, государство, регулирование, рыночные отношения, собственники, предпринимательство.

## THEORETICAL FOUNDATIONS OF STATE REGULATION OF THE ACTIVITIES OF BUSINESS ENTITIES

*PhD Valijonov Akmaljon Rahimovich*

*Research center of the State assets management agency of the Republic of Uzbekistan*

**Abstract.** *The article discusses the theoretical foundations of state regulation of the activities of business entities. The work analyzes the opinions and views of leading representatives of economic schools on the role of the state in the economy, the goals and objectives of regulating economic activity. Based on the characteristics of business companies, the article gives the author's definition of the concept of state regulation of business companies. Based on the results of the study, conclusions and proposals were developed to improve the mechanisms of state regulation of the activities of business entities.*

**Keywords:** *business entities, state, regulation, market relations, owners, entrepreneurship.*

### **Кириш.**

Бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектлар асосан бозор механизмлари ва ўз-ўзини тартибга солиш асосида фаолият юритади. Шу билан бирга, улар давлат томонидан ҳам ўзига хос, асосан, уларнинг хўжалик фаолиятига аралашувни истисно этувчи иқтисодий усуллар билан тартибга солиниши керак.

Хўжалик жамиятлари, яъни акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятлар юридик шахсларнинг кенг тарқалган ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлиб, улар иқтисодиётнинг барча тармоқларида фаолият олиб борадилар. Хўжалик жамиятларининг асосий устиворликларидан бири бу уларни ривожлантириш орқали жамиятда акциядор ва улушдорлар шаклидаги мулкдорлар синфини кенгайтириш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида қуйидагилар таъкидлаб ўтилди: “Бугун кўнглимдаги бир ниятимни сизларга очиқ айтмоқчиман. Менинг катта ниятим — юртдошларимиз орасида юз минглаб мулкдорлар, акциядорлар пайдо бўлсин. Одамларимиз ўз омонатларини инвестиция қилиб, юқори даромадларга эга бўлсин”.

Хўжалик жамиятларини ташкил этиш ва ривожланишини давлат томонидан тартибга солишнинг самарали тизимини яратиш учун биринчи навбатда ушбу жамиятларни тартибга солишнинг назарий асосларини тадқиқ этиш, бу борада хорижий ва маҳаллий олимларнинг изланишларини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг институционал асослари Дж. Гэлбрейт, Р. Хайлбронер Г. Мюрдаль, К. Виттфогсль, Ф. Перру, Ж. Фурастье, Г. Минз, А. Берли, Дж. М. Кларк, Р. Нелсон ва бошқаларнинг асарларида (Коваленко, 2005), давлат сетори иқтисодиётининг хусусиятлари Стиглиц (1997) тадқиқотларида, иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиш бўйича тадқиқотлар Тюкавкин, Бадилова (2011) ишларида, давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишининг бугунги ҳолати ва келажаги тўғрисида изланишлар Павлова (2017) тадқиқотларида келтирилган. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш масалалари мамлакатимиз олимларидан Бутиковнинг (2015) қимматли қоғозлар бозори орқали тартибга солиш бўйича тадқиқотларида, Беркиновнинг (2007) корпоратив тузилмаларни ташкил этиш ва ривожланиши бўйича асарларида, Гафуровнинг (2017) тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий ишларида, Абулкосимовнинг (2011) макроиқтисодий

тартибга солиш ва барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашга қаратилган асарларида ёритилган.

### Тадқиқотлар методологияси.

Мақолада иқтисодий таҳлилнинг монографик ўрганиш, тарихий ва қиёсий таҳлил усулларида фойдаланилди.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Хўжалик жамиятлари, яъни акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятлар тадбиркорлик фаолиятининг субъекти бўлгани боис, уларнинг фаолиятини тартибга солиш жамиятдаги тадбиркорликни ва умуман олганда, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш тизимига боғлиқдир.

Жамиятнинг иқтисодий ҳаётини давлат томонидан тартибга солиш зарурлигига ҳеч ким эътироз билдирмайди. Лекин, тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ҳажми, шакли, йўналиши (мақсади) ва усуллари иқтисодий назариянинг икки асрдан буён бахс-мунозараларга сабаб бўлаётган ва ҳамон давом этаётган муаммолари жумласига киради.

**Классик иқтисодиётнинг машҳур вакили Адам Смит бозор хўжалигини унда бозорнинг ўзаро хўжалик алоқаларини ўрнатувчи мустақил субъектлар фаолият кўрсатадиган, ўз-ўзини тартибга солувчи тизим сифатида кўриб чиқди.** Смитнинг (1962) фикрига кўра, ҳар бир тадбиркор фойда олиш мақсадида бошқа тадбиркорлар билан рақобат курашига киришади, бунинг натижасида уларнинг бири хонавайрон бўлади ва ўз ўрнини омадлироқ рақобатчига бўшатиб берган ҳолда, бозордан чиқиб кетади, бошқалари эса ўзининг бозордаги мавқеини мустаҳкамлаб, фаолиятини кенгайтиради.

У ёки бу маҳсулотга бўлган талабга қараб унинг нархи ўсади ёки тушиб кетади, бунинг натижасида, фойда ҳажми ҳам ортади ёки камаяди, капиталларнинг кўчиши ва у ёки бу товарни ишлаб чиқариш ҳажмининг тегишлича ўсиши (ёки камайиши) юз беради. Умуман олганда, бундай механизм ёрдамида жамиятнинг эҳтиёжларини қондириш таъминланиб, халқ бойлигининг ўсиши юз беради, шунингдек, уларнинг фаровонлиги ортади.

Адам Смит (1962) шундай ёзган эди: «бозорнинг ҳар бир иштирокчиси ўзининг шахсий манфаатларини кўзлаган ҳолда кўпинча жамиятнинг манфаатларига, буни онгли равишда қилгандан кўра, самаралироқ, хизмат қилади» (Смит, 1962).

Смитни (1962) одатда, тадбиркорнинг тўлиқ эркинлиги тарафдори сифатида таърифлашади. Бироқ, аслида бу унчалик тўғри эмас. У тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун шароитлар яратишда давлатнинг ролини умуман инкор этмади ва унинг эркинлигига давлат томонидан айрим чеклашлар зарурлигини таъкидлади. Давлатнинг тартибга солувчи роли нимадан иборат бўлиши керак, у нима билан шуғулланиши лозим? Адам Смитнинг фикрича, давлат учта мажбуриятни бажариши керак: биринчидан, жамиятни бошқа мустақил жамиятлар жабр-зулмидан ва босқинчилигидан қўриқлаши, иккинчидан, имкон қадар жамиятнинг ҳар бир аъзосини унинг бошқа аъзолари томонидан адолатсизлик ва жабр-зулм қилинишидан ҳимоялаши ва, учинчидан, жамоат иншоотларини ва жамоат муассасаларини ташкил этиши ва сақлаб туриши зарур.

Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви ғояси Джон Мейнард Кейнс томонидан ривожлантирилди. Кейнснинг асосий ғояси шундан иборат эдики, жамиятнинг иқтисодий эҳтиёжларини қондириш учун ҳукуматнинг иқтисодиётга таъсир этишининг муайян чора-тадбирлари зарур. Бошқача айтганда, бозор иқтисодиёти давлатнинг аралашувисиз, давлат томонидан фаол тартибга солинмаган ҳолда муваффақиятли тарзда ривожлана олмайди.

Америкалик олимлар Хейлбронер ва Туроу, (1994) Кейнс таълимотининг асосий мазмунига шундай таъриф берадилар: «Кейнс назариясининг инқилобий мазмуни шундан иборатки, бозор тизими ўсишни сақлаб туриш учун ўзига ўзи тузатишлар киритиш хусусиятига эга эмас» (Хейлбронер ва Туроу, 1994).

Нобель мукофотининг лауреати Самуэльсон (1964) шундай ёзган эди, XIX асрнинг охиридан бошлаб, деярли барча мамлакатларда давлат иқтисодий функцияларининг кенгайтиши юз бермоқда. Бу ҳол давлатнинг миллий ишлаб чиқаришда тўғридан-тўғри иштирокида ҳам, хусусий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг кучайишида ҳам ўз ифодасини топтомоқда. «Бугунги кунда инсон, – деб ёзган эди Самуэльсон (1964), афтидан, умуман кам тартибга соладиган давлат энг яхши тартибга солади, деган мулоҳазага амал қилмайди» (Самуэльсон, 1964). Шундан келиб чиққан ҳолда, Самуэльсон АҚШда амал қилиб турган иқтисодий тизимни «аралаш» тизим, унда иқтисодий назорат давлат томонидан ҳам, хусусий институтлар томонидан ҳам амалга ошириладиган эркин тадбиркорлик тизими сифатида тавсифлайди. Нафақат иқтисодий фан, балки жаҳон тажрибаси ҳам шундан далолат бериб турибдики, бозор иқтисодиёти фақат тадбиркорлик фаолияти давлат томонидан самарали тартибга солинган тақдирдагина муваффақиятли фаолият кўрсатиши мумкин. Бугунги кунда ушбу фикрга деярли барча иқтисодчилар ва сиёсатчилар қўшилади ва у ёки бу илмий мактаблар ўртасидаги келишмовчиликлар, у ёки бу давлат арбобларининг қарашларидаги фарқлар фақат тадбиркорлик фаолиятининг қайси томонлари, қандай кўламларда ва шаклларда, қандай воситалар ва усуллар ёрдамида давлат томонидан тартибга солиниши кераклиги борасидаги масалалар бўйича юзага келади.

Бозор тамойиллари асосида қурилган иқтисодиётга давлат аралашувининг, унинг давлат томонидан тартибга солинишининг зарурлиги сўнгги йиллардаги Нобель мукофотида сазовар бўлган тадқиқотлар билан тасдиқланмоқда. 2001 йилда иқтисодиёт соҳасида Нобель мукофоти уч нафар америкалик иқтисодчи — Дж. Стиглиц, Д. Акерлоф ва М. Спенсга берилди. Улар томонидан 13 йил мобайнида амалга оширилган тадқиқот шуни кўрсатдики, мутлақ эркин стихияли бозор шароитида сотувчи ва харидор шубҳасиз нотенг шароитга қўйилган. Натижада, кўплаб кескин қарама-қарши қарашлар юзага келади ва бу, (давлатнинг аралашувисиз) бозорнинг нобарқарорлашувига, инқирозга олиб келади.

Машхур китоб – «Экономикс» дарслигида К. Макконнелл ва С. Брю иқтисодиётга давлат аралашувининг бешта асосий йўналишини санаб ўтишган:

- бозор тизимининг самарали фаолият кўрсатишига кўмаклашувчи ҳуқуқий базани ва ижтимоий муҳитни таъминлаш;
- рақобатни ҳимоялаш;
- даромадларни қайта тақсимлаш;
- ресурсларни қайта тақсимлаш;

5) иқтисодиётни барқарорлаштириш чора-тадбирларини қўллаш (нархлар даражасининг барқарорлигини сақлаб туриш ва тўлиқ бандликни таъминлаш).

Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш бу тадбиркорлик фаолиятини ўзгараётган шароитларга мослашиши ва барқарорлашига қаратилган қонунчилик, ижро ва назорат аҳамиятига эга бўлган чора-тадбирлар тизимидир (Горфинкел, Швандар, 2003).

Бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан тартибга солишнинг моҳияти шундан иборат бўлмоғи керакки, давлат ўзининг шарт-шароит яратиш функциясига устуворлик беради. Соддароқ айтганда, давлатнинг асосий вазифалари тадбиркорлик субъектлари фаолиятига шарт-шароит яратишдан иборат бўлмоғи зарур (Арипов, 2012). Иқтисодий адабиётларда тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш тушунчасига келтирилган бундай таърифларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг моҳияти хўжалик юриштишнинг бозор шароитида унинг иқтисодий механизмини ташкил этувчи чоратадбирлар ва воситаларни қўллаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган муайян мақсадларга эришиш учун давлат томонидан муайян турдаги фаолият (функциялар)нинг бажарилишидан иборат.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилидан бири сифатида давлат бош ислохотчи этиб белгиланганлиги нақадар тўғри эканлигини жаҳон амалиёти ва иқтисодий ислохотлар натижаси ҳам тасдиқламоқда. Мамлакатимизда давлат иқтисодий ислохотлар ташаббускори сифатида тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатишининг ҳуқуқий-ташкилий асосларини яратиш, хусусий мулк ҳуқуқи кафолатларини таъминлаш, эркин рақобат муҳитини шакллантириш, устивор тармоқларни рағбатлантириш тизимини ташкил этишга эътибор қаратди. Бунда давлатнинг иқтисодиётга, жумладан, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига тўғридан-тўғри аралашувини қисқартириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Давлатнинг тадбиркорлик фаолияти субъектларига аралашмаслик кафолатлари Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари» тўғрисидаги қонунда аниқ белгилаб берилган. Қонунга мувофиқ, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятига аралаштиришга ҳақли эмас.

Ўзбекистонда хўжалик жамиятларини, жумладан акциядорлик жамиятларини ташкил этиш давлат ташаббуси асосида давлат мулкни хусусийлаштириш жараёни билан бир вақтда бошланди. 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги аввалги қонунда давлат корхоналарини хўжалик жамиятларига айлантириш хусусийлаштиришнинг шакллари билан бири сифатида эътироф этилган. Шу маънода давлат ўз корхоналарини хусусийлаштириш орқали хўжалик жамиятларини ташкил этилишини рағбатлантириши мумкин.

Бугунда хусусийлаштириш натижасида ташкил этилган бир қатор хўжалик жамиятларининг устав фондларида давлат улуши сақланиб қолмоқда. Давлат бундай хўжалик жамиятларининг бошқарув органларида ўз вакиллари билан иштирок этиш орқали улар фаолиятини тартибга солиш имкониятига эга бўлади.

Юқоридагиларга асосан ва хўжалик жамиятларининг асосий хусусиятларидан келиб чиқиб улар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш тизимида куйидагича таъриф бериш мумкин: «Хўжалик жамиятларини ташкил этиш ва фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш тизими тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш шакли бўлиб, унда давлат ўз корхоналарини хусусийлаштириш орқали уларни ташкил этилишини рағбатлантириш, хўжалик жамиятларида улшдор (акциядор) сифатида уларни бошқаришда иштирок этиш, фонд бозори имкониятларидан фойдаланиш орқали тартибга солишнинг қўшимча имкониятларига эга бўлади».

### **Хулоса ва таклифлар.**

Мустақиллик йилларида хўжалик жамиятлари фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари яратилди, жумладан Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида», «Давлат мулкни хусусийлаштириш тўғрисида», «Давлат мулкни бошқариш тўғрисида» ва бошқа бир қатор қонунлари қабул қилинди.

Хўжалик жамиятлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш учун куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

хўжалик жамиятлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг илмий-услубий асосларини ривожлантириш ва бу соҳада илмий тадқиқотларни кенгайтириш;  
 хўжалик жамиятларидаги давлат улушларини хусусийлаштириш орқали улардаги давлат иштирокини қисқартириш ва хусусий мулк улушини ошириш;  
 хўжалик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этилишини давлат томонидан рағбатлантириш механизмларини яратиш;  
 фонд бозори орқали акциядорлик жамиятларига инвестициялар жалб қилишнинг янги инструментларини ривожлантириш ҳамда акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозларини халқаро фонд бозорларига чиқарилишини қўллаб-қувватлаш тизимини ташкил қилиш.

#### **Адабиётлар/Литература/Reference:**

- Абулқосимов Х. (2011) *Макроиқтисодий тартибга солиш ва Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши. Монография*, Т.: Академия, 2011-186б.
- Арипов О.А. (2012) *Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш.* –Т.:Фан, 2012,-272б.
- Беркинов Б.Б. (2005) *Корпоративные структуры: основы создания и управления.* –Т.: изд-во Нац.б-ки Узбекистана им. А. Навои, 2005. -132с.
- Бутиков И.Л. (2015) *Корпоративные структуры и рынок ценных бумаг// Бизнес Daily Медиа -2015, №117 –с.3-4.*
- Гафуров У.В. (2016) *Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори даражасини олиш учун автореферати.* Тошкент, 2016й., 96б.
- Горфинкеля В.Я., Швандара В.А. (2003) *Экономика предприятия / Под ред. В.Я. Горфинкеля, В.А. Швандара.* –М.: ЮНИТИ, с. 670.
- Коваленко Б.Б. (2005) *Институциональные основы государственного регулирования корпоративных структур в условиях трансформации хозяйственной системы. Автореферат диссертации на соискание доктора экономических наук по специальности 08.00.01. Экономическая теория. Санкт-Петербург, 2005.*
- Павлова Л.Н. (2017). *Государственное регулирование экономики: современные реалии и взгляд в будущее// Вестник РЭУ им. Г. В. Плеханова, 2017, № 6 (96) С. 24-44.*
- Самуэльсон П. (1964). *Экономика.* -М.: Прогресс, 1964. С. 188.
- Смит А. (1962). *Исследование о природе и причинах богатства народов.* –М., 1962.-с.332.
- Стиглиц Дж. Ю. (1997) *Экономика государственного сектора –Инфра-М, 1997 -101с.*
- Тюкавкин Н.М., Бадирова А.В. (2011) *О механизме государственного регулирования экономики//Вестник Самарского государственного университета, (<https://cyberleninka.ru/journal/n/vestnik-samarskogo-gosudarstvennogo-universiteta>).*
- Хейлбронер Р., Туроу Л. (1994). *Экономика для всех.* –Новосибирск: Экор, 1994. с.45.